

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши.....	72
Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ	
Қарши топонимлари тадқиқотчиси.....	76
Н.АЛИБОЕВА	
Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши.....	80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш.....	84
А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ	
Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари.....	88
Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ	
Лицей, колледж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш.....	92
Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ХОМИДОВ	
Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психолого-коррекцион усусларнинг мослиги ва самараадорлиги муаммолари.....	96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЎМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндинсисининг максимумини баҳолаш ҳақида	100
---	-----

А.ЮСУПОВА, С. ЎКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида	102
--	-----

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий мухит	104
---	-----

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима	106
--	-----

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрӯз лирикаси	109
-----------------------------	-----

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	111
--	-----

Л.СИНДОРОВ

“Хибатул-ҳақоқиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида	113
---	-----

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир.....	116
---	-----

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий мухитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили.....	118
--	-----

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги	121
--	-----

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи.....	124
---	-----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собиқ олий педагогика институти)нинг иккинчи

директори Босит Қориев	127
------------------------------	-----

УДК: 93/99+658.26

ҚОРОВУЛБОЗОР НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ

Ш.Б.Холиқулова

Аннотация

Мақолада муаллиф мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида республикамизнинг иқтисодий ахволидаги тангликни ёритган. Шундай кескин бир даерда республиканинг энергияга эҳтиёжи катта бўлди. Қоравулбозор нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши ва хорижий инвесторларнинг қизиқиши Ўзбекитоннинг нефть мустақиллигини таъминлашда бурилиш бўлганинги очиб берилган. Ушбу заводни сифатли ва тўла қувват билан илаши учун Вазирлар маҳкамаси қатор қарорларни қабул қиласанлиги келтириб ўтилган.

Аннотация

В данной статье, освещены вопросы тяжелого экономического положения республики периода независимости за прошедшие годы. За эти прошедшие годы стала энергетическая проблема. В статье раскрыты причины строительства нефтеперерабатывающий завода Караулбазар, повышение интереса зарубежных инвесторов и поворотного этапа Узбекистана к переработки и обеспечению нефти. Приведены ряд постановлений Кабинета Министров по обеспечению качественной работы на заводе.

Annotation

In this article author revealed the hart pace of our economy in the previous years of our independence. At that intense time, the exigency of energy in was republic increased. Also indicated the interesting of foreigner investors towards current plant promotes the oil independence of Uzbekistan. Besides that shown the decisions of The Supreme Court on working with totally quality and power.

Таянч сўз ва иборалар: Дотация, энергия эҳтиёжи, Қоравулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Франциянинг «ТЕКНИП» компанияси, Туркиянинг «Гамма» компанияси, Голландиянинг «Компримо» компанияси, кадрлар тайёрлаш, ишчиларнинг яшаши.

Ключевые слова и выражения: Дотация, энергетическая обеспеченій, нефтеперерабатывающий завод Караулбазар, Турецкая компания «Гамма», Голландская компания «Компримо», подготовка кадров.

Keywords and expressions: dotation, energy exigency, Karavulbazar oil recycling plant, "Teknip" company of France, "Gamma" company of Turkey, "Komprimo" company of Holland, preparing cadres, living of employees.

Ушбу мавзуни ёритишдан аввал мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида республикамизнинг ҳақиқий иқтисодий ахволи хусусида тұхталиб ўтмоқчимиз. Мустақиллик араfasасыда “Бухоро ҳақиқати” газетасидаги “Ҳиндистонга мөхр билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Таймс оғ-Индия” рўзномаси учун мухбирнинг саволларига жавоблари” номли мақолада Республика иқтисодиётини яққол очиб берадиган жиҳатларни кузатишимиш мумкин. Хусусан, Республика иқтисодий жиҳатдан оғир ахволга тушиб қолгани, совет ҳокимияти йилларида Республика иқтисодиётини тўла-тўқис мукаммал ривожланмасдан, асосан хомашё етказиб берадиган ўлкаси айланиб, Республика иқтисодиётини шакллантиришнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалда кўллаш долзарб масалалардан бири эди. Дарҳақиқат Мамлакат пахта, мева сабзавот етиштирирадиган, қоракўл ипак берадиган хомашё ресурслари базасига айланган эди. Ижтимоий ёрдамчи тармоқлар етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли соғлиқни сақлаш, маданият, халқ таълими иншоотлари ахвол жуда ёмон эди [1.2].

Республика дотация эвазига яшаб турган бир тарихий вақтда халқимиз ўз мустақиллигини кўлга киритди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун, аввало, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини кескин кўпайтириш зарур эди. Бундай корхоналарни

ишлаши учун энергия - ёқилғи ишлаб чиқариш лозим эди. Бу ўз навбатида “қора олтин”га эҳтиёжни вужудга келтирас эди. Республикага бир йилда ташиб келтириладиган 8 миллион тонна нефтнинг 6 миллион тоннаси Россия Федерацияси хиссасига тўғри келар эди.

Мамлакат худудидаги хусусан, Бухорода газ қатламлари борлигини аниқланиб Газлидаги Молоҳолда, Қоровулбозор массивида нефть ва газ конларининг истиқболи учун эътибор қаратилди. Учқирнинг Гугуртли, Қўйимазор ва Ромитан атофларида ҳам нефт қатлами борлиги аниқланди. Нефть ва газ оқими бўлган ана шу жойларга махсус белгилар қўйилди. Бироқ, ушбу нефть ва газ ишлаб чиқариши йўлга қўйиш учун иирик инвестициялар керак эди. “Ўзгеологбанк”нинг маблағлари ва ускуналари эса етарли эмас эди. Ускуналарсиз энг катта чуқурликларда қидирув ишларини олиб бориб бўлмас эди [2.2]. Шунингдек, бу каби муаммолар Ўзбекистон Республикасининг саноат тармоқлари ривожига тўсқинлик қилар эди. Саноатда ишлаб чиқариш инвестициялар ва энергия кўламига боғлиқ эди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилиши ўз даври учун тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 389-қарорига асосан ўша

Ш.Б.Холиқулова – Навоий педагогика институти катта ўқитувчisi

ИЛМИЙ АХБОРОТ

йили заводни қуриш ишлари бошланди [3.4].

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилиши чет эллик инвесторлар учун ҳам жуда шов-шовли ҳодиса бўлди. Хатто, Францияда чиқадиган “ВСД” ҳафталик журналининг 1993 йил 21 апрел сонида “Ўзбек нефтидан бизнинг моторларимизгача” номли мақолада Ўзбекистон иқтисодиётiga сармоя сарфлаб ҳамкорлик қилувчилар сони кундан-кунга ортиб бораётгани (Франциянинг ЭЛФ-Акетин компанияси каби) хусусида ёзилган.

Тез фурсатда ЭЛФ-Акетин компанияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида нефть қазиб олиш, шакар ва фармацевтика заводлари ҳамда ҳашаматли меҳмонхоналар қуриш соҳасида ўзора ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди.

Адвокат, ишбилармон ва миллиардер, АҚШнинг Москвадаги элчиси Роберт Страус ЭЛФ-Акетин компанияси билан Ўзбекистон Республикасининг битим имзолашининг шоҳиди бўлган, бу битимга Ўзбекистон ҳукумати номидан Биринчи Президент Ислом Каримов имзо чеккан эди. Битимга мувофиқ француз компанияси шу минтақадаги катта нефть конларини ишлатиш мажбуриятини олди. Бу ерда, Орол дengизининг шарқида, Қозогистон, Туркманистон ва Ўзбекистон чегаралари туташган жойда беҳисоб нефть заҳиралари мавжуд.

МДҲ худудида Ўрта Шарқдагидан ҳам кўп нефть бор бўлиб, нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар яқин йиллар ичida Араб амирликларининг тараққиёт даражасига етиб олиши мумкин [4.2].

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводини ишга туширилиши учун Франция давлати балки Германия ва Туркияниг ҳам етакчи компаниялари сармоялари жалб этилди. Тез фурсатларда Ўзбекистон ўзининг кучли дипломатияси ва ишончли сармоялари билан халқаро майдонда танила бошлаган.

Нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига республикада 15 та йирик ташкилот бош пурратчи қилиб тайинланди. Аммо бу йирик корхонани барпо этишда 35 фоиз ишнинг салмоғи пурратчи ташкилот - “Бухоро нефт завод қурилиш” ҳиссадорлик жамияти зиммасига тушди. Жамият бинокорлари газ конденсати, бутан, А-76 ва АИ-93 бензинлари, авиокеросин, оқартирилган нефть хомашёси парклари, суюлтирилган газни цистерналарга қўиши темир йўл эстакадаси, насос станциялари каби 62 та йирик обьект қурилишини ниҳоясига етказдилар. Ҳиссадолик жамияти бошқаруви раиси Равил Халиуллин Қоровулбозор қурувчиларининг самарали меҳнатини кўп марта оммавий ахборот воситаларида чиқишлиарида эътироф этган [5.1]. Дарҳақиқат, Қоровулбозор Бухоро вилояти марказидан 40-50 километр узоклиқда бўлса ҳам иқлими бошқа туманлардан фарқ қиласди. Қоровулбозор худудида ҳарорат ёзда бошқа жойларга нисбатан камида ўн даражада юқориго бўлади. Бунга тез-тез қўзғалиб

турадиган чўл чанг тўзонини ҳам қўшсак завод қандай оғир шароитда қурилганлиги кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Қоровулбозор қурилишига нафақат бухоролик балки Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Тошкент, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидан ҳам пурратчи ташкилотлар келди. Завод қурилишида дастлаб 6 мингдан зиёд бунёдкор 900 га яқин машина механизмлар уч сменада ишлади. Темир йўлчилар муддатидан олдин завод худудига темир йўл олиб келди. 1995 йил 10 майда Бухоро заводи ilk маҳсулотларини бера бошлади. Нефт конденсатларини эшелонларга юклаб Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига юборилди [6.2].

Йилига 5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган бу йирик корхонани қурилишида биринчи ўринда ишчиларнинг яшаш шароитига эътибор қаратилди. Дастлабки кунларда ўнлаб вагончалар келтирилиб, иш вахта усулида ташкил этилди. “Амубухороканалқурилиш” бирлашмаси қурувчилари олдига 96 ўринли ётокоҳона биноларини тезроқ битириш вазифа қилиб юклатилди. Ётокоҳона қисқа муддатларда қурилди. У замонавий талабларга мос бўлиб, унда табиий газ, сув, доимий электр канализация ва иссиқлик мавжуд. Хуллас 400 (1991йил шарнома нархи ҳисобида) миллион сўмдан ортиқ маблаг ҳисобига қад кўтарган бу бинода яшаш ва дам олиш учун барча шароитлар мавжуд бўлди [7.2]. Заводнинг асосий майдони 205 гектарни ташкил этди. Қисқа муддат ичida завод қурилиши майдонида газ, электр тармоқлари, темир йўл шахобчалари тортилди. Икки ярим ой мобайнида 400 ўринли замонавий ошхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга икки сабзавот омбори, қозонхона вақтинчалик ёқилғи қуриш станцияси ва бошқа қатор обьектлар қурилди. Ётокоҳоналарни ва турар жойларни дастлабки ўринлари қурувчилар ва ишчиларга топширилди [8.2]. Шунингдек, заводнинг кадрлар масаласига ҳам жиддий эътибор берилди. Даврий матбуот саҳифаларида бу масала кенг ёритиб борилди.

Заводнинг ишга тушишига яқин кунлар қолди. Завод бош муҳандиси Рустам Абдикаримовнинг таъкидлашиб, завод Франциянинг “Текнип” фирмаси технологияси асосида ишлайди ва заводда ишлайдиган ҳар-бир ишчи ана шу технологияни чуқур ўзлаштириши керак эди. Бу технология мураккаб эмас аммо, уни ўрганмай туриб заводда ишлаб бўлмасди. Ишчилар нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, компрессор ва насослардан, назорат ўлчов асбобларидан ҳамда автоматикадан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан хабардор бўлиши керак эди. Француз фирмасининг “Индекс” бўлими ва Туркияниг “Гамма” фирмаси ходимлари ишчиларни ишга олиш жараёнида бевосита иштирок этиб, 1995йилдан бошлаб кадрлар танлаш ва тайёрлаш масаласи билан шуғулланди. Завод ишга тушгач уни дастлабки

бошқарув жараённида 220 нафар, бутун жараённи бошқаришга эса, лойиҳа бўйича 408 нафар мутахассис банд бўлди [9].

Мутахассис кадрлар шартли равишда гурухларга бўлинган бўлиб, уларнинг бир қисми Бухоро ва Фарғонадаги газ ва нефть техникумлари ҳузуридаги курсларда ўқитилган ҳамда Фарғона Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларида тажриба орттириши лозим бўлган [9].

Кадрлар яшаш шароитини фаровонлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи атрофида яшил воҳа барпо этиш тўғрисида” қарори қабул қилинди. Нефтни қайта ишлаш заводини ва Қоровулбозор туман марказини қум босишидан муҳофаза қилиш ҳамда ушбу минтақада экологик вазиятини яхшилаш мақсадида ушбу қарор юзасидан завод атрофидаги ерлардан 18 гектар ерни ободонлаштириш ва ўрмон ташкил қилиш хусусида эди [9].

2000-2003 йиллар давомида 4336,3 квадрат метр уй-жой, ёпик бозор, 5 км оқар сув лотоги, 4 та автобекат, 6,5 км узунлиқдаги автойўл таъмирланди, 29 та уй фойдаланишга топширилди [3.62]. Бу каби бир қатор қулайликларнинг барчаси инсон омили ва мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган. Мустақил Ўзбекистонни энергия эҳтиёжини таъминлашда Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводининг улуши катта бўлиб, кейинги йилларда ушбу завод имкониятлари янада кенгайди.

Франциянинг «Текнип» компанияси лойиҳаси асосида ушбу заводни барпо этишда Франциянинг нефть институти, Американинг «Мерикем» ва Голландиянинг «Компримо» компаниялари лицензияларидан фойдаланилди. Курилища Туркиянинг «Гамма» компанияси ҳам иштирик этди.

Адабиётлар:

- Хинди斯顿га мехр билан. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Таймс оғ Индия” рўзномаси учун мухбирнинг саволларига жавоби. // Бухоро ҳақиқати. -17.08.91 й. -№159.
- Ғафуров Т. Ер ости бойликлари - мустақиллик хизматида. Бухоронинг ўз қора олтини бўлади. // Бухоро ҳақиқати. - 17.04.1993 й.- №14.
- Солиев.Б. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 .
- Жиром Фретель. Ўзбек нефтидан бизнинг маторларимизгача. // Бухоро ҳақиқати. - 26.06.1993 й. -№73.
- Халилов А. Матонатли кишилар. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилишига саноатни кунлар қолди.// Бухоро ҳақиқати. -13.08.1997 й. -№ 65.
- Сафаров И. Ёқилғи мустақиллиги йўлида // Бухоро ҳақиқати. -02.20.1996 й.- №15.
- Сиддиқов.Ғ. Енг шимаршиб, биргалашиб (Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи курилишида). // Бухоро ҳақиқати. - 01.02.1994й. -№10.
- Хожиев.И. Барханлар бағридаги жасорат. // Бухоро ҳақиқати.-01.01.1992. -№11.
- Шодиев.С. Корхонада билимдонлар ишлайди. / Бухоро ҳақиқати. 13.03.1996 й. №21.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи атрофида яшил воҳа барпо этиш тўғрисида” қарори Вазирлар Маҳкамасининг раиси И. Каримов 1997 йил 31 декабрь, 581-сон <http://old.lex.uz/>
- Жўраева.Ҳ. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи /<http://huquqburch.uz/>

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).